МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Тухтасин Худойберганович Ташметов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Педагогик технологияни лойиҳалаштиришда ўқувчи-ёшлар шахсининг индивидуал ҳамда ёш хусусиятлари, унинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Мақолада айнан шу масалаларга эьтибор берилган

Калит сўзлар: миллий ғоя, технология, интерфаол, ўқув жараён, фикрлаш, метод, фаоллик.

MODERN METHODS OF INTRODUCING NATIONAL IDEA INTO THE MINDS OF YOUNG PEOPLE

Tukhtasin Xudayberganovich Tashmetov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

ABSTRACT

Design of pedagogical technologies is important to take into account the individual and age characteristics of the student and person, and the level of his her preparation. It plays a crucial role. The article focuses on these issues

Keywords: the national idea, technology, interactive, process of education, mind, activity.

КИРИШ

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида “Миллий ғоя” ва “Маънавият” туркумига кирувчи фанларни ёшларнинг қалби, онги ва ички дунёсига сингдиришда замонавий усуллардан, янги технологик имкониятлардан фойдаланиш давр талаби. Зеро, миллий ғояни ўқувчи-талабалар онгига сингдиришда таълимнинг муҳим вазифаларидан бири – бу дунёнинг глобаллашуви ва ахборот коммуникацияларининг ривожи билан боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамиятини қуйидагича таъкидлади: “Таълим соҳасида замонавий ахборот ва

компьютер технологиялар, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириши, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим" [2], - деб фикр билдириб ўтганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дарҳақиқат, таълим тизимини модернизациялашда таълимнинг барча бўғинларида тобора фаол қўлланилаётган илғор педагогик технологияларнинг турли йўналиши ўқувчи-талабаларнинг маънавий кучи, қобилиятларини намоён қилиши учун мақбул шароит яратиб бермоқда. Таълим тизимида йил сайин ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари, таълим жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилаётганлиги барчамизга маълум. Айниқса, таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, технология, ахборот, компьютер, мултимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бермоқда [3]. Ушбу вазифаларни муваффаққиятли ҳал этиш таълим – тарбия жараёнида ўқитувчидан замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақазо этади. Бунинг учун ўқитувчи – ақлий ва ижодий меҳнати орқали ташкилотчилик, креативлик ва нутқий маҳоратига эга бўлган, таълим-тарбия асосида ёшларга таъсир кўрсата оладиган шахс сифатида ўрнак бўлмоғи лозим. Зеро, хозирги замон ўқитувчи касбига шу даражада кўп масъулият юкланганки, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш, изланиш учун жуда катта куч, ирода ва сабр-тоқат талаб этилади.

НАТИЖАЛАР

Буюк аллома Ибн Сино ўзининг "Тадбири манзил" асарида дастлаб болаларни ёзиш ва ўқишга ўргатишда улар жамоада, гуруҳда шаклланиши лозимлигини таъкидлаб ўтади. Бу бизнингча бевосита бугунги интерфаол дарсни ташкил этилиши билан боғлиқдир. Интерфаол методлар ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутади.

Интерфаол *("Интер"* – бу ўзаро, *"акт"* – ҳаракат қилмоқ) ўзаро ҳаракат қилиш (ёки ким биландир суҳбатда, мулоқота бўлиш)ни англатади. Интерфаол

таълимнинг моҳияти ўқувчиларни бир-бирларидан ўрганишларига йўналтирилган таълим эканлиги [4]. Интерфаол методнинг моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар. Бунда эса ўқувчи-талабалар миясига қандай фикр қуйилиб келса, уни танқидсиз эркин гапириш имконияти берилади. Бу жараён кўпроқ муаммо, анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ шароитларда қўл келади. Айнан мана шу фаолият миллий ғояни ёшлар қалби, онги ва ички дунёсида мустаҳкам ўрнашиши учун асос бўлади, чунки улар ўзлари “Ўз қўллари” билан буни устида ишлайдлар. Зеро, ўз меҳнати билан бўлган ҳар қандай натижанинг баҳоси қимматли бўлади. Шу боисдан ҳам, ушбу жараёнда интерфаол усуллардан фойдаланиш катта самара беради.

Дарс давомида, маъруза машғулотларини олиб боришда турли хил интерфаол методлардан фойдаланиш лозим, чунки бугун таълим марказида объект ҳам, субъект ҳам айнан ўқувчининг ўзидир. Аввало, ўқитувчи дарс давомида авторитар(тартибни сақлаш), демократик(ўқувчиларни тинглаш ва тўғри баҳолаш), либерал(ўзаро мулоқот қилишда) кўринишларини ўзида сақлаши лозим. Шундагина аналитик ва танқидий фикрлаш шаклланади ҳамда бошқалар фикрини ҳурмат қилишни ривожлантиришга кўмаклашади, бу усул вазиятни баҳолашга, хулосалар чиқаришга ва қарорлар қабул қилишга ўргатади [5]. Шу боисдан, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда замонавий усуллардан фойдаланиб умумий ўрта таълим мактабларида “Тарбия” фани асосида ва олий ўқув юртларида эса “Миллий ғоя” ва “Маънавият” дарслари асосида назарий, яъни фақат аудиторияда ўтишдан ташқари ҳолда тарих ва миллий маданият мерослари билан таништирувчи музейлар, тарихий обидалар, қадим шаҳар қолдиқлари, қалъаларга экскурсиялар уйиштириш, таассуротлар ҳақида иншолар ёздиришни доимий равишда йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг дарсдан кейин бўш вақтини унумли ташкил қилиш, ота-она ва таълим муассасаси назоратидан четда қолдирмаслик, дарс давомида ўқувчиларга мултимедиа, презентация, слайдлар воситалари орқали миллий ғояни тиклаш ва маънавий таҳдидларга қарши кураш руҳидаги ҳужжатли фильмларни намойиш этиб бориш, барча ўқув юртларда Президент асарлари, бўйича махсус курсларнинг мунтазамлилиги ва самарадорлигини янада яхшилаш, оммавий ахборот воситалар орқали маънавият тарғиботини янада кенгайтириш, миллий ўзликни тараннум қилувчи дастурларни кўпайтириш, кўзланган мақсадга эришишнинг ососий омилларидандир [6].

МУҲОКАМА

Фикримизча таълимнинг самарадорлигини оширишда қуйдагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Буларга:

❖ таълим жараёнида илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларининг маҳсули сифатида, инновацион технологиялар асоси бўлган интерфаол методларни қўллаш орқали узлуксиз таълим тизимида ўқитиш сифатини янада яхшилаш ва самарадорлигини оширишга эришиш;

❖ республикамиздаги узлуксиз таълим муассасалари фаолиятига ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган илғор тажрибалар ва замонавий педагогик технологияларни самарали татбиқ этиш орқали, бевосита педагогларнинг иш тажрибаларини бойитиш ва уларда таълим жараёнини самарали ташкил этишга нисбатан ижодий, инновацион ёндашувни қарор топтириш;

❖ узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда таълим сифатини янада ошириш ва самарадорлигини таъминлашга доир маҳаллий тажрибаларни тўплаш, уларни оммалаштириш.

Демак таълим тизими шундай савияга келиши керакки, таълим жамиятни мустаҳкамлаш ва барқарорлашга қаратилган илғор ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашда самарали бўлган фаолиятни таъминлашга кўмаклашувчи миллий дастур назарда тутулиши лозим [7]. Ана шундагина Ўзбекистонлик ёшлар дунёдаги энг юқори салоҳиятли бўлган тенгдошлари билан бемалол баҳслаша оладилар [8]. Шу нуқтаи назардан қараганда, хозирги ёш авлод шундай қобилятга эга бўлиши керакки, у мақсад қўя оладиган ва ўз олдига қўйган мақсадни еча оладиган бўлиши керак, юқори маданий савияда мустақил фикрлай олиши ва ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда ўз ўрнини топа олиши лозим [9].

ХУЛОСА

Демак, бугунги глобаллашув шароитда миллий ғояни хар бир инсон, айниқса ёшларнинг онги, қалби, ва ички дунёсига замонавий интерфаол усуллар орқали сингдириш уларда маънавий, ахлоқий, тарбиявий сифатларни ҳар томонлама шакллантириш, хозирги куннинг талабидир. Зеро, миллат тараққиёти, маънавияти ва маданияти юксак билимли биз ёшларга бевосита боғлиқдир.

Юқоридагиларни умумлаштириб, қуйидагича хулосаларни келтиришимиз мумкин:

- Биринчидан, илғор хорижий тажрибалар сифатида миллий ғояни таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитиш сифатини яхшилаш ва

самарадорлигини янада оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир;

- Иккинчидан, интерфаол таълим технологиялари ва унинг муҳим таркибий элменти бўлган интерфаол усуллар асосида таълим жараёнини ташкил этиш кўрсаткичларининг ўзгаришини таъминлайди. Зеро, замонавий таълим доимий равишда фан ва технология ривожи билан боғлиқликда таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг янгиланиб боришини тақоза этади, бу эса бугунги кун давр талабидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 23 декабр.
2. Каримов И.А. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010 йил, Б 5.
3. Khudayberganovich T. T. (2020) The importance of the use of innovative technologies in raising the spirituality of young people. EPRA International journal of Multidisciplinary Research (IJMR). 6 (11) 25-27.
4. Ишмуҳамедов Р., Ёлдошев М. “Таълим ва тарбияда инновасион педагогик технологиялар” Т.: 2017 йил, Б 14.
5. Khudayberganovich T. T. (2020). Ёшларга берилаётган имкониятларнинг тарбиядаги аҳамияти. Science and education 1(7) 618-619.
6. Khudayberganovich T. T. (2020) Prospects for relying on the basis of the national idea in protecting young people from hard and harmful ideas. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Revieved Open Access International Journal. Elsevier SSRN 9 (11)81-85.
7. Khudayberganovich T. T. “Globallashuv sharoitida milliy g‘oyani yoshlar ongiga singdirishning zamonaviy usullari” Monografiya T.: “Nishon nashir” 2020. B 54-55.
8. Khudayberganovich T. T. (2020) The importance of the use of innovative technologies in raising the spirituality of young people. EPRA International journal of Multidisciplinary Research (IJMR). 6 (11) 25-27.
9. Khudayberganovich T. T. “Globallashuv sharoitida yoshlarni milliy g‘oyaga bo‘lgan ishonch va e’tiqodini mustahkamlashning zamonaviy texnologiyalari” Risola. Toshkent-“O‘zR Fanlar Akademiyasi Asosiy kutubxonasi” 2020. B 42-45

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 23 декабр.

2. Каримов И.А. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010 йил, Б 5.
3. Khudayberganovich T. T. (2020) The importance of the use of innovative technologies in raising the spirituality of young people. EPRA International journal of Multidisciplinary Research (IJMR). 6 (11) 25-27.
4. Ишмуҳамедов Р., Ёлдошев М. “Таълим ва тарбияда инновасион педагогик технологиялар” Т.: 2017 йил, Б 14.
5. Khudayberganovich T. T. (2020). Ёшларга берилаётган имкониятларнинг тарбиядаги аҳамияти. Science and education 1(7) 618-619.
6. Khudayberganovich T. T. (2020) Prospects for relying on the basis of the national idea in protecting young people from hard and harmful ideas. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Revieved Open Access International Journal. Elsevier SSRN 9 (11)81-85.
7. Khudayberganovich T. T. “Globallashuv sharoitida milliy g‘oyani yoshlar ongiga singdirishning zamonaviy usullari” Monografiya T.: “Nishon nashir” 2020. B 54-55.
8. Khudayberganovich T. T. (2020) The importance of the use of innovative technologies in raising the spirituality of young people. EPRA International journal of Multidisciplinary Research (IJMR). 6 (11) 25-27.
9. Khuayberganovich T. T. “Globallashuv sharoitida yoshlarni milliy g‘oyaga bo‘lgan ishonch va e’tiqodini mustahkamlashning zamonaviy texnologiyalari” Risola. Toshkent-“O‘zR Fanlar Akademiyasi Asosiy kutubxonasi” 2020. B 42-45